



МИЛЛИЙ ВА ЭСТЕТИК ҚАДРИЯТЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ДЕМАК (ЧИЛЛА ДАВРИ УДУМЛАРИ)

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти
Давлат музейи Адабиёт бўлими мудири: Н. Мўминова*

Ёшларнинг эстетик эҳтиёжлари узлуксиз жараён сифатида ўзининг серкирра кўринишларини намоён этиб, анъана ва маросимларнинг янгиланган ҳолда жамиятда амал килишга хизмат килади. Биздан бу жараён давлат ва жамиятнинг манфаат ва талабларидан келиб чиқадиган, юксак маънавият ва маърифатга асосланадиган эстетик қадриятларни шаклланишига олиб келадиган маънавий меросимизни, миллий-маданий қадриятларимизни камол топтиришимизни талаб этади. Чунки ҳалқимизнинг мустахкам эътиқоди ана шу қадриятлар негизида сайқалланиб, ўзининг сермаъно қиёфасини ривожлантириб боришга интилади. Бу “маънавий мерос қадимдан асрлар каби маънавий бойликлар ийғиндиси бўлиб, уни ҳалқимиз хамиша ўрганиб бойитганлар”.

Ҳар бир миллат тараққиётида ота-боболаримизнинг миллий-маданий қадриятлари бўлган анъана ва маросимлар, урф-одатлар доимо қадрланиб келишини истайди. Ижтимоий тараққиётнинг қонуни шундайки, “хар бир миллатнинг тили, урф-одатлари ўзлари учун жуда азиз одам ўз тилида эркин фикрлайди. Ота-бобосидан мерос урф-одатлар эса уларнинг муқаддас бойликлари, фахрлари, ор-номуси, аждодларимиз, тарихий манбалардан бизгача етиб келган сиёсий, фалсафий, хукукий, миллий ва диний қадриятлар, ахлок-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат ёки таъбир жоиз бўлса, ўлмас хотираларидир. Шунинг учун хам ўзга бир миллатнинг тили ёки урф-одатларини камситиш ўша миллатни тахкирлаш билан баробардир”. Мана шундай қиёфа собиқ шўролар даврида ҳалқимзнинг хар бир фуқаросини ўзининг домига тортган



эди. Бу кулфат нафақат Ўзбекистонни, балки йирик империя бирлаштирган барча милллатларнинг тақдирига ўзликни унутиш тамғасини босишга интилганди. Бу ҳакда XX асрнинг бошида рус қўмондони Скоблевнинг “Миллатни йуқотиш учун уни қириб ташлаш эмас, унинг тили ва қадриятларидан жудо қилсанг бас, улар сенинг измингда бўлади”, деган фикрларини жамиятда амалга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Жамиятимтизда ёшларни ҳар томонлама камол топиши учун авваломбор, тарихан шаклланиб келган диний ва дунёвий билимларнинг асосини ташкил этувчи анъаналар, миллий қадриятлар, удум ва маросимларга алоҳида эътиборни қаратишимиз даркор. Бу эса ҳар бир ёш авлодни жамиятдаги объектив ва субъектив омилларга таянишини таказо этиб келади. Бу омиллар ҳамиша шуни талаб этадики, “ўз халқи миллий қадриятини бошқа миллат қадриятларига тескари қўймаган ҳолда ва аксинча, бошқа миллат маънавиятини чуқур хис килиш даражасига ўсиб чиқса ва ўзбек миллий қадриятини бемалол ва беминнат намойиш этиш имкониятига эга бўлса, миллий муносабатларда дўстона иқтисодий ва маънавий мулоқатдан ўзга ният бўлмаса, ана шундай турли милллатларнинг маънавиятини ифодаловчи умумбашарий қадриятлар ўсиб бораверади”.

Кадимги ва миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз ҳалқ маънавиятининг улкан бир бўлаги ҳисобланади. Асрлар оша меърос бўлиб келаётган удумларимиздан бири чилла даври удумлариdir. Маълумки “Чилла” лик сўзи тез-тез қулоққа чалиниб туради. “Чиллалик келин”, “Чилладан эсон-омон ўтиб олсак” деган жумлаларни кўп эшитганмиз.

ЧИЛЛА атамаси “чил” сўзидан олинган бўлиб, форс-тоҷик тилида “қирқ” деган маънони билдиради. Чилла инсон ҳаётидаги хатарли, энг оғир ва энг маъсулиятли даврни ангилатувчи сўз ҳисобланиб, шундан 20 куни кичик чилла, тўлиқ 40 куни эса катта чилла дейилади. Она ва унинг чақалоги ҳаётининг туғруқдан, келин-куёв турмушининг никоҳдан, мархумнинг вафотидан кейинги илк давларига нисбатан ҳам чилла атамаси



кўланиллади. Шунингдек, бефарзанд аёлни чиллага солиб, 40 кун давомида ташқарига чиқармасдан бахши боқсан даврга нисбатан ҳам бу сўз ишлатилади. Мархум вафотидан сўнг 20 кун ўтгач йигирмаси, қирқ кун ўтгач эса (мархунинг ёшига, фарзандларининг ёшига қараб 25-37 кунлар ичида) худойи (қирқи) маросими ўтказилган.

Ўтмишдаги одатларга кўра, келин-куёв, фарзанд кўрган аёл ва чақалоқнинг чилласида уларнинг гўё “Ёмон кўз” (руҳ, алвасти, жин, ажина ва бошқалар) дан сақланиши тақозо қилинган.

Чиллалик келинчак учун фарзандсиз аёллар билан учрашиш хатарли ҳисобланиб, гўё туғмас аёлнинг қисмати келинчакка ўтиши мумкин деб тушунилган. Шунингдек, уйга бефарзанд аёл қадами тегса, келинчак бола кўрмайди деб ирим қилинган, бу удум “чилла тушди” деб аталади.

Оилада бола туғилишиданоқ чилла даврига катта эътибор берилади. Чақалоқ туғилгач, агар у ўғил бола бўлса, киндиги ўнг тиззасига ўлчаб кесилади, қиз бола бўлса, кўкракчасига ўлчаб кесилади. Бола чилласи чиққунча ҳар душанба ва пайшанба кунлари чўмилтириб турилади.

Душанба куни “Дурим сари эт олсин” дейилади. Пайшанба куни эса “Пансара эт олсин” деб чўмилтирилади. Чўмилтириш сувига туз ташланади. Чўмилтириш сувига туз, тилла буюмлар ташланади, чилла туз суви маҳсус тайёрланади. Кўхна қадимий девор, тандир тупроғидан солинган лойқа сувда чўмилтирилади. Тупроқни элаб, докага солиб, чақалоқ бўйинларига бутларининг ораси, бўғинларига сепилади. Боланинг бадани бичилиб қолмаслиг учун доғланмаган оқ ёғ билан иойлаб турилади. Чиллали, яъни туққан аёлга кучли, витаминли овқатлар берилган. Тухум, товуқ шўрва, қўй гўшти шўрvasi; ширинликлардан; асал, новвот, турли мева мурабболари истеъмол қилиш тавсия қилинган.

Чиллали-чақалоқ туғилган ҳонадонга бегона киши киритилмаган, ҳатто отаси ишдан келганда ҳам даб-дурустдан уйга киритилмаган, она- болани ёлғиз ташлаб чиқилмаган. Онасидан ташқари уйда яна бир кишининг бўлиши шарт ҳисобланган. Чиллали ҳонадон чироғи 40 кунгacha



тунда ўчирилмаган. Бу билан гўёки арвоҳ, дев ва алвастилар келишидан улар орқали она-болага зиён етишидан ҳимоя қилинганд. Мана шундай расм-русумларга риоя қилинмаса чилла яра тушиши мумкин экан. Дархақиқат айрим кишилардаги салбий хатти-харакатлар ёки баъзи бир касалликларнинг тез-тез тақрорланиб туришини кўрган қекса онахон ва отахонларимиз, “чилласида теккан дардику” дея бу ҳолатни ҳазил мутойибага олиб, шу характер ва касалик тарихини сўзлаб берганлар. Шу боис чиллалик келин-куёв ва она-болани бу даврда жуда ҳам эҳтиёт қилинганд.

Катта чилла 40 кун ўтгач бола чўмилтирилиб, қўлига қўзмунчоқ тақилиб, қўни қўшниларга кўрсатилган, дастлаб бувисиникига ва бошқа қариндош уруғларникига меҳмонга олиб борилган. Шу муносабат билан ўтказилган маросим “Чиллагузорон” дейилган. Кексаларнинг айтишича 40 кунлик чилладан омон эсон чиққан болага атрофдаги таъсир этадиган нарсаларнинг кучи етмайдиган бўлар экан.

Даврлар ўтган сайин чилла ва у билан боғлиқ расм-русумларнинг аксарияти унутилди. Айримларигина республикамизнинг турли қишлоқ аҳолиси ўртасида сақланиб қолди.

Бундан ташқари халқимиз орасида қишининг энг совуқ 40 куни, ёзниг энг иссиқ 40 куни ҳам чилла деб аталиб, ҳозир ёзниг айни иссиқ чилла пайтидамиз. Бу икки чилла даврида инсонлар юмушларининг қанчалик муҳим бўлишига қарамай, энг аввало ўзлари ва оила аъзоларининг саломатлигини биринчи ўринга қўйиб, ўзларини эҳтиёт қилиб, чилладан эсон-омон чиқиб олишларини ўйлашлари лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.”Moziydan sado” –ilmiy-amaliy,ma’naviy-ma’rifiy journal.2022-2023-yillar sonlari.
- 2.”Farg‘ona vodiysida muzey ishi va faoliyati” I.Yusupov, I.Karimov.



2022-yil, O'zbekiston Respublikasi .Madaniy meros agentligi.

3."Moziy soboqlari" – Alijon Azizov. Namangan- 2021-yil.

4."San'at" jurnali- 2013-yil.

5."Guliston" –ijtimoiy-siyosiy,ilmiy-badiiy,madaniy-ma'rifiy jurnal. 2021-2022-
yi

